

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Байрамлари ўзига ярашган халқимиз. Шу кунларда бутун диёримиз чинакам байрам оғушида. Ҳамиша орзиқиб кутадиган энг улуг, энг азиз байрамимизни шукуҳи юртдошларимизни улкан бунёдкорлик, яратувчанлик сари бошламоқда. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорини бутун халқимиз қатори вилоятимиз аҳли ҳам кўтаринки кайфият, зўр қувонч билан қарши олди.



НУРАФШОН МАНЗИЛАЛАР, ОБОД КЎНГИЛАЛАР

Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида катта байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Бу йилги байрам тадбирлари "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" деган эзгу ғояни ўзида мўжассам этгани қалбларимизни ҳам севинч, ҳам фахру ифтихор, ҳам юрт тақдир ва истиқболни йўлидаги дахлдорлик туйғуларига тўлдирётгани аниқ ҳақиқат. Шу боис, бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, элим, деб, юртим деб ёниб яшаётган, бир-бирига меҳр ила боқиб турган, қалби эзгуликка лиммо-лим замондошларимизнинг

қувончига гувоҳ бўласиз. Истиқлолимизнинг қўлул 26 йиллик тўйини вилоят аҳли ҳам кўтаринки руҳда, муносиб ютуқлар билан қарши олаётди. Бунинг ўзгача сабаблари бор, албатта. Қайси соҳани олманг, фидойи, ҳалол ва меҳнатсевар замондошларимиз азму шижоати билан гуллаб-яшнамоқда, равнақ томоқда.

Тантанали маросим иштирокчиларини вилоят ҳокими Шукрулло Бобоев энг улуг, энг азиз байрам билан самимий қут-

лар экан, мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бўлган вилоятда Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолиги таърихнинг янгилашиш жараёнлари кечаётгани, бу ислохотлар пировардида, ободлик ва фаровонлиқнинг мустақкам асоси бўлиб хизмат қилаётгани мамнуният билан таъкидлади.

Барчамизга яхши аёнки, мустақиллик йўли – шараф ва машаққатларга тўла зафар йўлидир. Бу йўлнинг шонли ибтидоси ва буюк истиқбол бор!

Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, дунёнинг жуда кўп минтақаларида сиёсий низо ва қонли тўқнашувлар, манфаатлар қураши тобора кескин тус олаётган, қурраи заминга терроризм, экстремизм, ғиёхвандлик каби жirkanч иллатлар жиддий ҳавф солиб турган мураккаб ва таҳликали бир шароитда серқуёш диёримизда тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити барқарор эканини катта мамнуният ва шукроналик билан тилга

олишимиз табиийдир. Бинобарин, она Ўзбекистонимиз ўзининг 26 йиллик мустақил тараққиёт йўлида қатъият билан одимлаб, дунёдаги санокли давлатлар қаторида барқарор ривожланиб бораётгани, халқимизнинг ҳаёт сифати ва турмуш даражасининг яхшиланиши, онгу тафаккурининг юксалиши, халқаро майдонда Ватанимиз обрў-эътиборининг ошиши барчамизга катта фахр-ифтихор етказди.

Давоми 2-бетда. ➡



ҚАБУЛХОНАГА КЕЛГАН ЭДИНГИЗ...

Яқинда ички ишлар органлари томонидан Бекобод шаҳри, 13-даҳа, 25-хонадонда яшовчи Илёс Шерматовнинг оилавий шароити ўрганилди. Онаси А. Низомиддинова жигар церрози, отаси И. Шерматов сил касаллиги билан вафот этганлиги, ҳозирда синглиси – 1999 йилда туғилган И. Низомиддинова билан 2 хонали хонадонда бирга яшаб келаётганлиги аниқланди.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Яшаш хоналари таъмирталаб, ночор аҳволда, шароитлари яхши эмаслиги, шунингдек, боқувчиси ва қаровчиси йўқлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги қайд этилди. Фуқаро Илёс Шерматовга Ички ишлар вазирлиги томонидан "Артел" русумли телевизор ва озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим қилинди. Бундан ташқари, чин етим ҳисобланган Илёс Шерматов вилоят ИИБ томонидан Бекобод шаҳар ЭХБга ўт ўчирувчи вазифасига ишга қабул қилинди.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган Виртуал қабулхона ўз фаолиятини бошлагандан буён ички ишлар органлари ваколатига қирадиган масалалар юзасидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли ҳал қилиш, ҳар бир мурожаат эътиборсиз қолмаслигини таъминлаш бўйича кунлик назорат ўрнатилди.

Давоми 3-бетда. ➡

Ихор

Айни дамдаги қувончимни сўз билан таърифлашимиз қийин. Меҳнатларим бу қадар буй кўрсатиши, давлатимизнинг юксак мукофотига ҳокими Шукрулло Бобоев энг улуг, энг азиз байрамимизни ўзгача шукуҳ, кўтаринки кайфият билан қутиб олади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллиги муносабати билан мукофотланган давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларининг рўй-

БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛАЙМИЗ

хатида ўз исми ва фамилиямни қайта-қайта ўқиб, ҳаяжонланаямман. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими", деган шарафли номга эришимда устозларим ва мен меҳнат қилаётган корхона жамоасининг ҳиссаси катта. Менга берилган маз-

кур мукофотдан бошим кўкка етди, албатта. Бундай эъзозга жавобан, давлатимизнинг иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшиш йўлида белни янада маҳкам боғлаб, Ватаним олдидаги бурчини, Президентимиз билдирган ишончини оқлашга сўз бераман.

Сапарали ҚўЧҚОРОВ,
"Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик
жамиятининг мис эритиш заводи таъмирлаш-
механика цехи бошлиғи.

ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД

Мустақиллик – бугун биз эришяётган юксак марраларга қанот бўлган қуч. Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида буй кўрсатиб турган озода ва обод Ватан манзаралари, аввало, истиқлол шарофатидандир. Шу боис, халқимиз ҳар йили энг улуг ва энг азиз байрамимизни ўзгача шукуҳ, кўтаринки кайфият билан қутиб олади.

Огоҳлик

Шундай кезларда ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга огоҳ бўлишимиз даркор. Ёш авлоди она Ватанга муҳаббат, бой тарихимиз, ота-боболаримиздан қолган муқаддас қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш уларнинг қалби ва онгиди мафқуравий им-

мунитетни кучайтиради. Ёшларимиз ўзлигини чуқур англаса, бузғунчи қучлар ўз таъсири ва ғояларини ўтказолмайди.

Худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби ил-

латларга қарши курашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган одам хавфлидир. Шу боис доимо огоҳ бўлишимиз, агар теварак-атрофимизда бирор кишида шундай аломатлар сезилаётган бўлса, дарҳол тарбиямизга олиб, тўғри йўлга солишимиз керак. Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, Ўзбекистон гуллаб-яшнайдир.

Васила МАҲМУДОВА,
Қиёрай туманидаги
«Нурфшон» МФЙ
маслаҳатчиси.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев бир гуруҳ ҳамюртларимизни давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 августдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида биноан, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун бир гуруҳ ҳамюртларимиз фахрий унвонлар билан тақдирланди.

Шу жумладан, Тошкент вилоятидан:

"Дўстлик" ордени

билан

Османова Зулфие Энверовна

– Зангиота тумани 7-сонли давлат нотариал идорасининг катта нотариуси

"Мардлик" ордени

билан

Файзуллаев Аҳмаджон Гулямназирович

– Зангиота тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори.

"Жасорат" медали

билан

Шаисламов Таҳир Шухратжонович

– вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Тез ҳаракат қилиш махсус отряди. Ўзбекистон Республикаси

"Шухрат" медали билан

Бектурдиева Шохидат Сатилболатовна

– Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра доценти

Саттаров Салоҳиддин Улуғбекович

– вилоят Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Хайдаров Раҳмонбек Тухтасинович

– Жиноят ишлари бўйича вилоят суди судьяси

...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида кўра, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув ҳўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш соҳаларини ривожлантириш, фаолият кўрсатган тармоқларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, илғор ва инновацион технологияларни жорий этиш, соҳага оид давлат дастурлари ижросини таъминлаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамиятимизда миллатлараро дўстлик ва тотувлиқни қарор топтириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун юртдошларимиздан бир гуруҳига фахрий унвонлар берилди.

Шу жумладан, Тошкент вилоятидан:

"Ўзбекистон Республикасида

хизмат кўрсатган саноат ходими"

Кучкаров Сапарали Халбутаевич

– "Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи таъмирлаш-механика цехи бошлиғи.

"Эл-юрт ҳурмати"

ордени билан

Тоиров Маҳмуджон

– Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари.

"Фидокорона хизматлари учун"

ордени билан

Мухамеджанов Аминжан

– Паркент туманидаги "Зухра она плюс" хусусий корхонаси иш бошқарувчиси.

"Меҳнат шухрати"

ордени билан

Юнусов Алишер Асрорович

– "Тошкент иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасининг 2-қозон турбина цехи бошлиғи.

"Дўстлик" ордени билан

Халилов Таҳир Атабекович

– "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг электрда

пўлат эритиш цехи бошлиғи ўринбосари.

"Шухрат" медали билан

(100 ёшдан ошганлар)

Ахмедов Раҳим

– Ўрта Чирчиқ тумани.

"Шухрат" медали билан

Абдухаликов Тулқин Таштемирович

– "Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг Марказий таъмирлаш-механика заводи қурилиш цехи пўлат эритувчиси.

Аллагулов Фарид Фиданович

– "GM Powertrain-Uzbekistan" акциядорлик жамиятининг қурилиш цехи энергетиги.

Дўсматов Хасан Собирович

– Пискент туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси.

Махмудова Васила Кучкаровна

– Қиёрай туманидаги "Нурфшон" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Саидов Раҳмон Шаҳзодович

– Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бўка тумани Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

Хунаров Каҳрамон Хайдарович

– Ангрэн шаҳридаги "Нурли Кўктерак" хусусий уй-жой мулкдорлари шirkати электр пайвандчиси.

...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 августдаги "Мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган тадбиркор ва фермерларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, мамлакатимизда ижтимоий барқарорлиқни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ва гарови бўлган ўрта синф – мулкдорлар синфини шакллантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, ўзининг самарали меҳнати, билим ва тажрибаси билан республикамизнинг иқтисодий қудратини, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шаҳар ва қишлоқларнинг обод қилиш ишларига катта ҳисса қўшиб келаётган юртимиз тадбиркор ва фермерларининг муносиб вакиллари давлатимизнинг ордени ва медаллари билан мукофотланди.

Жумладан, Тошкент вилоятидан:

"Меҳнат шухрати"

ордени билан

Абдуалибеков Хаттамбек Маҳкамбекович

– Зангиота туманидаги "Мастер деликатесов" масъулияти чекланган жамияти директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари.

"Дўстлик" ордени билан

Эргашов Анвар Абдухамидович

– "Юқори Чирчиқ металл инвест" масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси.

"Шухрат" медали билан

Арипов Маҳмаджон Шавкатович

– Қиёрай туманидаги "Био-Сут" қўшама корхонаси ижрочи директори.

Қосимов Комил Абдуносирович

– Зангиота туманидаги "Дентафил плюс" корхонаси директори ўринбосари.

...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 августдаги "Юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ёш авлод вакиллари мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида биноан, юртимизнинг ишлаб чиқариш, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт ва бошқа соҳаларида жонбоқил кўрсатиб, мамлакатимиз равнақига, унинг ҳаёгон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган ватанпарвар ва фидойи ёшларимизнинг эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида бир гуруҳ ҳамюртларимиз давлатимизнинг ордени ва медаллари билан мукофотланди.

Жумладан, Тошкент вилоятидан:

"Шухрат" медали билан

Абдурайимов Эргаш Арифджанович

– Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Олмалик шаҳар Кенгаши раиси.

Кодиров Бекзод Абдурахмонович

– "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг Касаба уюшмаси қўмитаси оммавий-ташқилий ишлар бўйича ўринбосари.

Муродов Умид Абдувалиевич

– Олмалик шаҳридаги 23-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

Барча тақдирланган вилоятдошларимизни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан самимий муборакбод этамиз.

Бундан 26 йил олдин мамлакатимиз Биринчи Президентни Ислам Абдуганиевич Каримов ўзининг бетимсол жасорати ва ҳалқимизнинг азму шижоати билан Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилиб, миллий давлатчилигимизни, ҳалқимизнинг топталган қадриятларини, дину диёнатини, оро нукусини тиклаш, ўзлигини англаш, ҳалқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажагимизни қуриш йўлини очиб берганини келажақ авлод-

барча амалга ошираётган ишларимиздан кўзланган мақсад-муддао ҳам шудир", деган даъвати ҳаётимизнинг бош дас-туриламалига айланиб улгурди. Бинобарин, 2017 йил юртимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши, миллий тараққиётимизнинг энг муҳим ва устувор йўналишларини ўзида акс эттирган Ҳаракатлар стратегиясининг ҳаётга ижтисодиётга айлантирилган, барча даражадаги раҳбарларнинг шахсан маҳалларда бўлиб, одамлар хонадо-

мониторда вилоятнинг расмий маъмурий маркази – ободлик ва фаровонлиқнинг янги манзилига айлантирилган Нурафшон шаҳрининг замонавий лойиҳаси намойиши бошланади... Биз бугун шундай бир тарихий жараёнларни бошдан кечираётганимиз билан ҳар қанча гурунлансак, ифтихор қилсак арзийди, – дейди байрам тадбирида иштирок этган тадбиркорлардан бири, "Дўстлик" ордени нишондори Комилжон Қосимов. – Не бахти, муҳтарам Юртбошимиз тақдирини ва

Биз юқорида бу йилги байрамни вилоят аҳли ўзгача кўтаринки кайфиятда қарши олмакда, дедик. Чиндан ҳам шундай. Хабарингиз бор, Президентимиз яқинда вилоятимизнинг Ангрэн, Олмалик ва Бекобод шаҳарларига ташрифлари чоғида вилоятимиз ҳаётига тааллуқли бир қанча муҳим ўзгаришлар сари йўл очиб бердилар. Мисол учун, Президентимизнинг Чирчиқда давлат педагогика институтини очиб, Жисмоний тарбия олийгоҳини шу ерга қўчириш, Тошкент вилоя-

ерда янги очилган конга "Ёшлик" кони, деб ном беришни тақдир қилганлари, умуман, мазкур комбинатнинг 2030 йилгача бўлган даврда ривожлантириш дастурини белгилаб берганлари вилоятимиз иқтисоди, одамларимиз турмуш фаровонлигини ошириш учун нақадар катта имкониятлар яратганини сўз билан таърифлаш мушкул.

Дастур натижасида мис ишлаб чиқариш 1,4 баробар, қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш 33 фоизга ошиши, энг муҳими, 10 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланиши лойиҳанинг кўлами ва аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

Тошкент – Бекобод йўналишида электрчиқа қатновининг йўлга қўйилиши хабари эса одамларнинг илғари ҳатто ҳаёлига ҳам келмаган янгилик бўлди.

Истиқлолни ўзининг бахти ва тақдирини, деб билган пойтахт вилоятининг меҳнаткаш аҳолиси Ватанимизни янада гуллаб-яшнаши, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш учун ўз олдига қўйилган барча вазифаларни дадил, мардонавор амалга оширадilar. Биз бунга, албатта, ишонамиз.

Шу кун катта байрам дастурида иштирок этган санъат усталари, вилоят бадий жамоалари ва иқтидорли ёшлар, ҳарбийлар ва спортчиларнинг санъатий чиқишларида, ихро этилган куй-қўшиқлар, шўх-шаън рақсларда, энг аввало, ҳалқимизнинг айни бугунги миннатдорлик ва дахлдорлик кайфияти акс эттирилган барчага манзур бўлди.

Байрам тантаналари, бугунги тинч ва дориланон кунлар ҳақидаги дилбар ва самимий гурунлар вилоятнинг сўлим гўшаларидан бирида, тўкин дас-турхон атрафда давом этди.

Шу кун улуғ айём шарофига байрам салоти отилди.

Қобилжон ҒОҒУРОВ,
Нодирбек ТОҲИРОВ
олган суратлар.



Ўшлар овози

Сирождиддин бугун ҳар қачонгидан ҳам эрта турди. У сервизор тоғлар ортидан осмонга ўрлаётган қуёш нурларига боқар экан, оламини ёруғликка, шодликка буркаб чиққан офтоб-одамларнинг салом берди. Мусаффо тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар экан, вужудини аллақандай фараҳбахш туйғулар қамраб олди: "Нақадар фусункорсан она табият, нақадар гўзалсан ҳаёт!" Ижод ишчи уни шеърят гулшанига етаклади ва унинг остонасида бир зум қадалиб қолди. Бугун шу гулшан дарғалари билан дийдорлашини ўйлаб, ширин энтикиб қўйди.

СОҒИНИБ КУТИЛГАН УЧРАШУВЛАР

Энг улуғ, энг азиз байрам – истиқлол-мизнинг 26 йиллик шоднаси арафасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши ташаббуси билан энг сўлим масканлардан бири Паркентнинг Қумушқонда ўтказилган ижодий учрашувда Сирождиддин каби ҳаваскор ёшлар давримизнинг етуқ шоирлари билан мулоқотда бўлишди. Қумушқоннинг бетақдор табияти, унинг яқинидаги "Ҳазрати Али бува" зиёратгоҳидаги сокинлик ва донолар суҳбати ижод майлига қанот бағишлагандек бўлди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ижодкорлик қисмати, унинг ўзига хос мураккаб йўллари, машаққати ва масъулияти ҳақида сўзлар экан, ўз ҳаёти мисолида кўпгина қизиқarli воқеаларни гапириб берди. Ўзининг биринчи китоби 39 ёшида чоп этилгани ва бу тинимсиз ўқиш, иланиш маҳсулининг кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлганини айтганида, тўртта шеър эзиб, китоб чиқариш мақсадида елиб-югураётган гўр ёшлар ўзлари учун тўғри хулоса чиқариб олганларини ҳам таъкидлаш жоиз. Шунингдек, паркентлик Рисолат Махсумова,

Сирождиддин Робитов, Ўрта чирчиқлик Дурдона Шарофиддинова каби истеъдодли ёшлар ижодидаги она Ватан, табият, инсонийлик ҳақидаги бетақдор ташбеҳлар, қайроқи гаплар эътироф этилди.

Ёш ижодкорлар, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Бобур Бобомурод, шоир Ботир Эргашевнинг чиқишларини, шеърларини мароқ билан тинглашди. Алхол, алломаларимиздан Абдурахмон Жомий таъкидлаганларидек, "Истеъдод инсонга ўзини эмас, ўзгаларни бахтли қилиш учун берилади". Кимки, ижод машаққатларини ўзида ҳис этиб, юрагидан ўтказмас экан, бу истеъдод тез орада сўна бошлайди. Табиийки, бундай сохта ижодкорлар жамиятга фойда келтирмаса.

Учрашув ёш ижодкорларнинг жўшқин шеърлари, теран фикр-мушоҳадаларига бой бўлди. Устозу шоғирдлик аъёнлари пойдеворида қўйилган бу мустаҳкам гишт келгусида улкан салоҳиятларнинг юзага чиқишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Азамат АҲМЕДОВ
олган сурат.

НУРАФШОН МАНЗИЛЛАР, ОБОД КЎНГИЛЛАР



лар ҳамиша миннатдорлик билан ёдга олади.

Бугун ҳалқимиз эришган ютуқ ва марраларини таҳлил қилиб, ислохотларнинг янги босқичига қадам қўяр эканмиз, ютуқларга маҳлиё бўлмай, ҳалқимиз дарду ташвишларини теранроқ англаш, жойларда ечимини қўйиб ётган кўпга муаммо ва масалаларга биргаликда ечим излаш ҳар жиҳатдан тўғри йўлди. Шу борада давлатимиз раҳбари, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: "Оддий одамлар бугунги кунда бўлаётган ўзгаришларни сезиши керак. Улар эртага эмас, бугун яхши яшашни истайди. Уларга бугун яхши шароит яратиб беришимиз керак, айни кунда

нига кириб, мавжуд муаммоларни жойида ҳал қилишга интилиши, одамларимизнинг дарди-га қулоқ тутиши, ҳалқимизнинг руҳини кўтариб, эртанги кунга, давлатга, сийosatга ишончини мустаҳкамламоқда.

... Яна муҳташам санъат қосонасининг байрамона безалган сахнасига қайтаемиз.

Сахна марказидаги улкан мониторда ҳалқимиз эришаётган ютуқ ва марралар, орзу умидларимиз рамзлари акс этган жозибдор лавҳалар намойиши кўнгилларга ажиб бир диловорлик, шуқуҳ ва ҳаяжон бахш этади. Шу тобда муҳташам санъат саройида байрам дастурини мириқиб томоша қилаётганлар ўз ҳайрат ва ҳаяжонларини гулдурас қарсақлар билан изҳор этадилар. Негаки,

ташаббуслари билан Тошкент вилояти ҳам ўзининг маъмурий марказига эга бўлди. Унга Нурафшон, деб ном берилган, жаннатмонанд вилоятимизга Яратганининг нури, баракаси ёғилганининг бир дараги, бўлса ажабмас. Бизнинг азиз гўшамиз мамлакатимизнинг энг гўзал, энг замонавий, энг тараққиёт этган шаҳарларидан бирига айланишига асло шак-шубҳа йўқ. Мана кўрасиз, бир-икки йил ичида вилоятимиз қиёфаси тубдан ўзгаради, янги, замонавий тураржойлар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларининг кўп қаватли, салобатли бинолари вилоят марказига ҳақиқий замонавий шаҳар тусини бериб, одамларимизнинг турмуш фаровонлиги янада ошади, ҳаёти-миз бунданда файзли бўлади.

тида сонаот ишлаб чиқариш соҳаси учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш ҳамда олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Тошкент давлат техника университети Олмалик филиалини ташкил этиш бўйича қабул қилган қарорлари вилоятимизга, унинг эртанги кунини, фарзандларимиз келажагига бўлган жуда катта эътибор ва ғамхўрликдан далолатдир.

Ёки Президентимизнинг Олмаликда бўлиб, иқтисодиётимизнинг қон-томирига айлانган қон-металлургия комбинатида мисли кўрилмаган йирик ҳажмдаги лойиҳага тамал тошини қўйиб берганлари, бу

МЕҲР ҚОЛҲУР, ОҚИБАТ ҚОЛҲУР...

Ҳалқимизда қадим-қадимдан шундай эзгу аъёна бор – катта тўйларда, элнинг кутлуғ кунларида кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож одамлар ҳолидан хабар олинади. Айниқса, мард ва саховатли заминдорларнинг, чорвадорларнинг

биркорларнинг ҳимматию, хизматига қарамбаста бўлиши ана шундай тадбирларга файз, кўтаринкилик бағишлайди. Зотан, инсон ва унинг манфаатлари муқаддас динимизда ҳам, Бош қомусимизда ҳам устуворлик касб этади...

Нурафшон шаҳридаги муҳташам "Ўзбегим" маъмуасида вилоят ҳокимлиги томонидан парваришга муҳтож кексалар, ногиронлар учун байрам дастурхонини ёзилди. Энг улуғ, энг азиз байрам шарофати билан ташкил этилган мазкур тадбир ҳалқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу сифатларни яна бир қарра намойиши этади.

Дастлаб ҳазрати Зангиота зиёратгоҳида бўлиб, обод ва серфайз манзилни – буюқ Амир Темирнинг ҳимматию хизматидан обод бўлган, улуғ давлат арбоби Ислам Каримовнинг азму қарори билан сўлим мас-

канга, нури гўшага айланган жойни ўз кўзлари билан кўрган юртдошларимиз қалбида ўзгача сурур, ҳаяжон бор эди. Зотан, Ватан ўз фарзандларини, улар ким ва қандай жисмоний, ижтимоий аҳволда бўлишидан қатъи назар, ҳеч қачон унутмайди, ҳаммаша қучоқ очиб, азиз кунларда дастурхон тўрига ўтқазади.

– Ҳаяжонланганимдан сўзимни ифода этишга қийналяман. Биз давлатимизнинг бундай эътибор ва ғамхўрлигини гоятда оризқиб кутган эдик. Президентимизга раҳмат, уларнинг шахсий намунаси, алоҳида эътибори туфайли бугун ногиронлар, ёрдамга муҳтож аҳолининг кўкрагига шамол теғди, – дея сўз бошлади биз билан суҳбатда мароқсим иштирокчиси, оҳангаронлик Шўҳрат Атаев. – Кўп йиллар давомида



Имконият

Яқинда вилоятимиз маркази – Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республика товар-хон ашё биржаси акциядорлик жамиятининг филиали ишга тушиши кутилмоқда. Мақсад – вилоятдаги ижозларга сифатли хизматларни ўз вақтида кўрсатиш ҳамда қулай шартнолар яратишдан иборат. Ушбу филиал илгор IT-технологиялари, яъни маълумотларни тақдим этиш жиҳозлари ва автоматлаштирилган мулоқот воситалари билан жиҳозланади.

Мазкур маълумот "Жамиятнинг савдо инфратузилмасини модернизациялаш" ва электрон тижоратнинг янги имкониятлари" мавзусида ўтказилган пресс-турда айтиб ўтилди. Тадбирда республикамизнинг етакчи масс-медиа вакиллари, шу жумладан, телевидение, радио, босма ва электрон нашриётларнинг ходимлари иштирок этишди.

– Биржа хизматларини

кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, шу жумладан, уларнинг самарадорлиги ва функционалликни ошириш орқали барча савдо иштирокчилари учун мукамал шартноларни яратиб бериш биржа савдо инфратузилмасини модернизация қилиш гоёсининг негизини ташкил этади, – дейди савдоларни ташкил этиш бўйича директор Азиз Абдуғаниев.

Шуниси қувонарлики, биржа савдоларида вилоятимиздаги кўпга саноат корхоналари фаолият билан қатнашишмоқда. Бекобод ва Олмаликдаги металлургия комбинатлари, "Оҳангаронцемент", "Бекободцемент" вакилларининг айтишича, қўлланган новаторлик ёндашуви ва инженерлик ечимлар эвазига биржага ташриф буюрган ҳар бир мижозга керакли муносабат билан брокер билан боғланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

– Биржа савдолари фаолиятимизнинг бир бўлаги саналади, – деди "Максам-Чирчиқ" корхонаси

биржа бўлими бошлиғи Дилмурод Замитов. – Янги ишлаш тизимидан фавқат хурсанд бўлиш мумкин. Янгиланган савдо залида электрон савдо натижалари ва биржа котировкаларини намойиш этиш учун ахборот мониторлари ва рангли электрон табло ўрнатилгани ҳам биз каби мижозлар учун қулай имконият.

Бугунги кунда электрон биржа савдоларидан ташқари, ярмарка савдолари онлайн режимида фаолият юритади. Шунингдек, биржада ҳар кун 40 миллиард сўмлик битимлар тузилиб, 4 мингга яқин клиринг транзакциялари амалга оширилади.

IT-инфратузилмани модернизация қилиш натижасида биржа сервери бандлиги 80 фоиздан 25 фоизгача пасайтирилди. Шунингдек, янги дата-марказ 15 та савдо платформасини узлуксиз равишда ишлашини таъминлаш, бир сонияда 5 мингга яқин бюртма ёки 14 мингга транзакцияни қайта ишлаш имкониятига эга. Жорий этилган мазкур янгиликлар туфайли 2017 йилнинг 7 ойлик якунларига кўра биржада 5,7 мингдан зиёд янги мижозлар рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг аксарияти қисмини бизнес соҳа вакиллари ташкил этади.

Ўз муҳбиримиз.

Илмий-амалий семинар

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг машҳур "Отандан қолган далалар" романида бир манзара бор. Яъни, асар қаҳрамони Жамолддин кетмон бир сиқим туپроқни ҳовуқлайди-да, аста ушатиб кўради. Туپроқ бир майин-бир майин ушалади, деҳқонлар таъбири билан айтганда: "Ер таъмдор бўлади". Ана шундан кейингина Жамолддин кетмон Яратганга ҳамд айтиб, ерга уруғ сепишни бошлайди...

ВАҚТИДА ЭККАН НАҚДИНИ ОЛАДИ

Ҳозир ҳам ўзбек деҳқони кўкламда, асад оёқлаганда, авжи кузакда ер билан "тиллашади". "Момо ерим, барақа уруғини зар каби сочман, Яратганининг амри билан ризқ-рўзимни кучоғингда зиёда қилгайсен", дея ёруғ тилақлар қилади.

Шу кунларда экин-дан бўшаган ерларни шудгорлаш ишлари якунланиб, ер тобига келган маҳали вилоятимиз деҳқонлари ҳам янаги йил ҳосили пай-пайдан бўлишмоқда. Хусусан, жорий бугдой экиш жараёнини юқори агротехник ҳамда илмий талаблар асосида, ўз вақтида ва сифатли ўтказишга бағишланган вилоят илмий-амалий семинарида бу борада қатор янги фикрлар ўртага ташланди. Вилоят ҳокимлиги, фермерлар кенгаши, "Давтехназорат" инспекцияси вилоят бўлими ҳамкорликда ўтказган анжуман давомида жараёнда фойдаланилиши кўзда тутилган илгор қишлоқ хўжалиги

техниклари кўргазмаси ҳам ўтказилди.

Қад этилганидек, вилоятимиз галлакорлари учун бу мавсум, нисбатан олганда, қулай ва баракали келди. Энг муҳими, ўтган йилги айрим хатоларни тақорламаслик. Масалан, экин экишга масъул киши-чикилларни шакллантириш, худди шу гурунларнинг муқобилини миқдорлик бўйича ҳам ташкил этиш шарт. Худудлар бўйича иш олиб боришда мавжуд тажрибани янада ривожлантириб, тегишли мутаассаднинг шахсий жавобгарлигини қучайтириш керак. Бундан ташқари, ерга ишлов беришда, фақат азот, калий, фосфор сингари ноорганик ўғитларга уруғ қаратиш ярамайди. Биз келажақни ҳам ўйлашимиз, ернинг мелиоратив ҳолатини, ҳосилдорлик қобилиятини муттасил равишда ошириб боришимиз керак. Шунинг учун табиий ўғитлардан кенг фойдаланиш жорий бугдой экиш мавсумида асосий ўринда

туриши шарт.

Амалий семинарда қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, техника фанлари номзои Абдурашул Ибрагимов ўз жамоаси томонидан ишлаб чиқилган янги турдаги агрегат билан йилгиланларни таништирди. Фермерлар, хўжалик раҳбарлари, туман ҳокимлари томонидан катта қизиқиш билдирилган мазкур агрегат тўлалигича маҳаллий маҳсулот бўлиб, фойдаланишга қулайлиги билан ажралиб туради. Ёзу қаторлари орасига ишлов бериш, фақат азот, калийнинг ўзида ерга уруғ қадашга мослашган техник воситалар нархи ҳам деҳқонлар учун қулай. Семинар давомида шу ва шу каби техник воситаларнинг ишлов жараёни ҳақида амалий кўргазмалар ўтказилди.

Семинарда вилоят ҳокими Ш. Бобоев иштирок этди.

Ўз муҳбиримиз.



"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.30.

«...ЎТДА ЁНАР ЭДИ ДИЛ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори халқимизнинг буюк фарзандига бўлган эҳтиромнинг ёрқин намунаси сифатида барчанинг кўнглини равшан қилди.

□ Тақдимот


Тарихчи олим Шухрат Эргашевнинг "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган "Эрк истар кўнгил" китобининг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олингани бежиз эмас.

"Ўзбекистон тарихининг Шароф Рашидов раҳбарлик қилган босқичи халқимиз орасида катта қизиқиш уйғотувчи ва айни пайтда, ўта зиддиятли даврлардан бири, — дейилади китоб сўзбошисиди. — Халқ орасида бу даврга нисбатан муносабат ўта мураккаб, ёрқин ва оғир таассуротларга бой. Шу боис Ш. Рашидов даврини ўрганиш, унга кўпчиликни қаноатланти-

радиган, объектив баҳо бериш жуда мураккаб иш ва ҳали тарихчилар, сиёсатшунослар, адабиётчи олимлардан кўп меҳнат талаб қилади..."

Дарҳақиқат, Ш. Рашидов ҳақида кўпгина зиддиятли фикрлар айтилган бор гап. "Эрк истар кўнгил" китоби шу маънода ноҳолис фикрларга ойдинлик киритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Китобни қайта-қайта ўқиш асосида "Икки ўт орасида ўз ёнига қоврилган", аммо, ўз халқини имкони етгунча ҳимоя қилган фидойи инсон кўз олдинизда гавдаланади. Айниқса, 30



ёшидан мамлакатнинг энг нуфузли нашрига раҳбарлик қилган, кейинги 30 йилдан зиёд умрини Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар ҳаёти билан чамбарчас боғлаб, давлатни бошқарган бу зот ҳақидаги тасавурларингизни мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг адолатли фикрлари янада тиниқлаштиради: "Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди эди, у мавжуд

тузумга садоқат билан хизмат қилди. Аммо, беводликни қарангки, шундай одам дунёдан кўз юмганида ўзи умр бўйи ҳимоя қилган, содиқ бўлиб хизмат қилган тузум унга хиёнат қилди..."

Мухтасар айтганда, содиқ тузум тазйиқи остида фаолият юритиб ҳам ўз халқи манфаатини ҳимоя қилган Шароф Рашидов ҳақида асосли маълумот бера оладиган "Эрк истар кўнгил" китобини ўқиш нафақат унинг, балки ҳозирги давр давлат бошқарувидаги адолат, ҳақиқат мезонини англаб етишга хизмат қилиши аниқ. Хулоса ўрнида Ўзбекистон тараққиётига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбобининг қаламига мансуб сатрларни келтирмоқчимиз:

...Қафасда ётарди эрк
истар кўнгил,
Минг олам ўтида ёнар
эди дил...

Сайёра ЭШМАТОВА.

НУРАФШОНДАН ОЛМАЛИҚҚАЧА

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида байрам тантаналари авжида. Тадбирларни кўтаринки, хуш кайфиятда ўтказишда, айниқса, ёшларимиз фаол иштирок этмоқда.

□ Веломарафон



"Олмалик кон-металлургия комбинати" ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ташкиллаштирилган фестиваль ҳам қўлғу са-

нага бағишланди.

Ёшларни жисмонан ва маънан етук қилиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзига жалб қилиш мақсадида ташкил этилган фестивал-веломарафон ва узоқ масофага югуриш мусобақаси билан старт олди. "Ёшлар — келажак бунёдкори" шиори остида ўтган спорт ан-

жуманида жами 1 минг 100 нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.

Веломарафончилар Нурафшон — Олмалик йўналиши бўйлаб 35 километр масофани босиб ўтдилар. Уларнинг марра чизигини кесиб ўтишларини 200 дан зиёд кўнгилчилар зўр иштиёқ билан кузатди. Сўнг "Олмалик кон-металлургия комбинати"нинг "Ёшлик-1" қонида югуриш марафонига старт берилди. Марафончилар 4 километрлик масофани ортда қолдириб, "Металлург" маданият саройи ҳовлисида жам бўлдилар.

Якуний натижалар эълон қилиниб, ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Фестиваль истиқлолимиз ва истиқболимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар билан давом этди.

Ирода НОРОБОВА.

ПАРКЕНТ ТУМАНИ «АЧЧИСОЙ» фермер хўжалиги

бунёдкор халқимизни эзгу
орзу-умидлар рўёби бўлган

Истиқлолимизнинг 26 йиллик байрами

билан қизғин муборакбод этади.
Озод юртимизнинг шодиёна кунлари кўпаяверсин.
Байрамингиз кўнгилли ўтсин, азизлар!



«АММОФОС-МАКСАМ» акциядорлик жамияти




бунёдкор халқимизни шукуҳли сана —

Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги

билан табриклайди. Истиқлол йилларида
эришяётган ютуқларимиз, муваффақиятларимиз
бунданда юксалаверсин!

Юртимиз ҳамиша тинч-осойишта,
турмушимиз янада фаровон бўлсин!



Тошкент вилояти
«ДОРИ-ДАРМОН»
акциядорлик жамияти
вилоят аҳолисини она Ватанимиз
Мустақиллигининг
26 йиллик
шодиёнаси билан чин юракдан
муборакбод этиб, барчанинг
хонадонига файзу барака,
оиласига соғлик-саломатлик,
тотувлик тилайди.

